

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси илк ўқишда қабул қилинди



16:40 / 15.09.2020 889

Олий Мажлис депутатлари «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги [қонуннинг янги таҳририни](#) биринчи ўқишда қабул қилди. Бу ҳақда [xpress.uz](#) телеграм канали [хабар берди](#). Лойиҳани Қонунчилик палатасида Адлия вазири Русланбек Давлетов [тақдим этди](#).

Қонун билан фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги чеклов олиб ташланмоқда. Шунингдек, диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш осонлаштирилади, фуқароларга ўз фарзандларига диний амалиёт асосларини ўргатиш ҳуқуқи берилади. Аввалроқ, Дин ишлари бўйича қўмита кутилаётган ўзгаришларни батафсил санаб ўтган.

***Xpress.uz* телеграм каналидан олинди**